

ХОЗИРГИ ДАВРДА ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Боймирзаева Моҳира Шавкатжановна
Республика маънавият ва маърифат кенгаши
мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёшларнинг бугунги кунда сиёсий ҳолатга алоқадор бўлган барқарорлигининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Бугунги кундаги жараёнларнинг мураккаблиги ва тезкорлик билан ўзгариши шароитида сиёсий барқарорликни таъминлаши масаласига комплекс ёндашишини тақозо этмоқда. Ушбу масалада олиб борилган қатор тадқиқотлар давлатдаги барқарорликни таъминлаши ва унга доир чора-тадбирларни қўллашда турли элементлар ва жараёнларни инобатга олиши муҳимлигини кўрсатмоқда.

Калим сўзлар: сиёсий фаоллик, барқарор, жамият барқарорлиги, ижтимоий капитал.

ABSTRACT

This article analyzes the characteristics of youth stability related to the political situation today. In the conditions of today's complex and rapidly changing processes, it is necessary to take a comprehensive approach to the issue of ensuring political stability. A number of studies carried out in this matter show the importance of taking into account various elements and processes in ensuring stability in the state and applying related measures.

Key words: political activity, sustainable, social stability, social capital.

КИРИШ

Таъкидланишича, сиёсий барқарорликни таъминлашда давлатнинг яшаб қолиш учун муҳим бўлган соҳалари ва уларнинг элементлари мавжуд вазиятга муайян даражада таъсир қилиб, истиқболда сиёсий тизимнинг инқирозига олиб келиши мумкин. Хусусан, соҳа мутахассисларига асосан сиёсий барқарорлик билан ялпи ички маҳсулот, инвестицион иқлим, инфляция даражаси ва бошқа шу каби – иқтисодиётнинг қатор кўрсаткичлари¹; сиёсий ва демографик вазият билан боғлиқ ҳолат², коррупция даражасининг кўлами³ бевосита боғлиқдир.

¹ Jong-A-Pin R. Essays on political instability: Measurement, causes and consequence// Enschede: Print Partners Ipskamp B.V., Enschede, The Netherlands.2008. P.150.

² Goldstone J. A., Bates R.H., Epstein D. L., Gurr T. R., Lustick M. B., Marshal M. G., Ulfelder J., Woodward M. A global model for forecasting political instability// American Journal of Political Science. 2010. Vol.54, No.1. Pp.190–208.

Бундан ташқари, айрим тоифа эксперларининг қайд этишича тез суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиёт⁴ сиёсий барқарорлик ва жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатган бир вақтда, ривожланган ижтимоий капитал⁵, институционал ва шахслараро ишончнинг юқори даражаси сиёсий институтларнинг бекорлигини келтириб чиқаради⁶.

Ижтимоий фанлар доирасида ёшлар мавжуд сиёсий режимнинг барқарорлигига таъсир қилувчи омил сифатида яқин давлардан буён ўрганиб келинмоқда ва охирги ўн йилликда дунёнинг турли нуқталарида кузатилган инқоризли ҳолатлар ушбу масалага янада атрофлича ёндашиш, тизимли равишда ўрганиш ишларини олиб боришни тақозо этмоқда.

Жумладан, 2011-2013 йиллар оралиғидаги “Араб баҳори” даврида қатор сиёсий инқирозлар кузатилиб, уларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч – ёшлар эканлиги алоҳида билдириб ўтилмоқда⁷. Бу ёшларнинг олий маълумотга эга бўлган, бироқ кутган натижалари ва интилишлари амалда ушалмаган тоифа, шунингдек жамиятда кўпчиликни ташкил қилувчи аҳоли қатламининг (минтақада ёшларнинг (14-25 ёшдагилар) сони умумий аҳолига нисбатан 30 фоизни ташкил этган) мавжудлиги бекарорлик юзага келишининг факторларидан бирига айланди⁸.

Бироқ, бошқа бир гуруҳ олимлари юқорида келтирилганлардан фарқли равишда, ёшларнинг кўплаб инқилобий жараён, митинг ва қаршилик ҳаракатларидаги иштироки давлатларнинг маданий ва сиёсий ривожланишига туртки берганини ва бунинг натижасида уларда янги жараёнлар, ислоҳотлар кузатилганини қайд этишган⁹.

³Aurore G. Political instability and the interventions of IMF and the World Bank in non-democratic regimes// Centre d'Economie de la Sorbonne, University Paris 1 Pantheon Sorbonne. Paris, France 2012. Pp.-28.

⁴Olson M. Rapid Growth as a Destabilizing Force// The Journal of Economic History. 1963. Vol. 23, No. 4. Pp. 529-552. Huntington S. Political order in changing societies// New Haven, CT: Yale University. 1968. P. 264.

⁵ Патнэм. Р. Чтобы демократия сработала. Гражданские традиции в современной Италии// Перевод с английского Андрея Захарова. М: Наука, 1993. (1996).

Лухманова З. Т. Роль социального капитала в стабилизации авторитатических режимов//Развитие территории//Сибирский институт управления-РАНХиГС 2019. № 2 (16).

⁶Chloupkova J., Lind G., Svendsen H., Svendsen T. G. Building and destroying social capital: The case of cooperative movements in Denmark and Poland//2003. Agriculture and Human Values 20: 241–252.

Trejo G. Religious Competition and Ethnic Mobilization in Latin America: Why the Catholic Church Promotes Indigenous Movements in Mexico//The American Political Science Review, Vol. 103, No. 3 (August 2009), Pp. 323-342.

Juan A., Pierskalla J.H. Civil war violence and political trust: Microlevel evidence from Nepal//Conflict Management and Peace Science. 2016, Vol. 33(1) 67–88

⁷Коротаев А.В., Шишкина А.Р. Волна глобальной социально-политической дестабилизации 2011-2015 гг.: количественный анализ//Полис. Политические исследования. 2017. № 6. Стр.150.

⁸USAID Convenes Conference for Arab Youth Development//USAID. 2011.

URL: <http://www.usaid.gov/press/releases/2011/pr11114.html>.

⁹Коротаев А. В., Ходунов А. С., Бурова А. Н., Малков С. Ю., Халтурина Д. А., Зинькина Ю. В. Социально-демографический анализ Арабской весны. Арабская весна 2011 года. Системный мониторинг глобальных и

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Айтиш мумкинки, ёшларнинг сиёсий фаоллиги даражаси давлатнинг ижтимоий-сиёсий тизимини трансформация қилишда муҳим ўрин тутади ва мазкур масалага алоҳида ёндашишни талаб этади. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги усуллари барқарорликнинг омили сифатида сайловларда иштирок этиш орқали бир томондан ва бошқа тарафлама оммавий чиқишлилар (намойиш, митинг, норозилик ва бошқ.) орқали ҳам намоён бўлади.

Бундан келиб чиқадики, бугунги кунда ёшларнинг оммавий характердаги турли жараён ва тадбирлардаги иштироки амалдаги сиёсий режимга нисбатан ҳам конструктив – ижтимоий-сиёсий муҳим жараён (сайлов, ҳашар, ҳайрия акциялари ва бошқ.)лардаги иштироки, волонтёрлик қилиш кабилар орқали ижобий ёки деструктив – ислоҳотлар ва сиёсий ҳокимиятга қарши чиқиши, ишончсизликни фаол тарғибқ қилиш усуллари ёрдамида салбий характер касб этиши мумкин.

1980 йилларда Эрон Курдистонида ижтимоий-сиёсий беқарорлик кучайишининг энг муҳим омилларидан бири минтақадаги иқтисодий қийинчиликлар билан бирга “ёшлар уюми” эди (бу даврда ёшларнинг улуши 1976 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига асосан умумий аҳоли сонининг қарийб 33,1 фоизини ташкил этган)¹⁰. Бу каби ҳолатларнинг асосий сабаби сифатида эса аҳоли сонининг кўпайиб бориши ва жамиятда ўртacha умр кўриш даражасининг ортиши ресурсларнинг чекланганлик шароитида объектив равища ижтимоий конфликтларнинг ривожланишига сабаб бўлади¹¹.

Яқин Шарқдаги юз берган замонавий воқеалар ҳақида тўхталгандан, олимлар “ёшлар уюми”ни бутун минтақадаги оммавий қўзғолонларнинг муҳим омили бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар¹². Айнан шу нуқтаи назар тадқиқотчи ЛаГраффе томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, унинг фикрига асосан Мисрда “ёшлар уюмининг” пайдо бўлиши “Араб баҳори”нинг бошланишига мустаҳкам замин яратган¹³.

региональных рисков//Отв. ред. А. В. Коротаев, Ю. В. Зинькина, А. С. Ходунов. М.: ЛИБРОКОМ. 2012. Стр. 28–76.

¹⁰ Ходунов А. С. Иран: политico-демографическое развитие как фактор стабильности и потрясений//Азия и Африка сегодня. №. 7. 2014. Стр. 26-30.

¹¹Acemoglu D., Fergusson L., Johnson S. Population and Civil War// Cambridge, MA: National Bureau of Economic Research. 2017.

¹²Коротаев А. В., Ходунов А. С., Бурова А. Н., Малков С. Ю., Халтурина Д. А., Зинькина Ю. В. Социально-демографический анализ Арабской весны. Арабская весна 2011 года. Системный мониторинг глобальных и региональных рисков//Отв. ред. А. В. Коротаев, Ю. В. Зинькина, А. С. Ходунов. М.: ЛИБРОКОМ/ 2012. Стр. 28–76.

¹³LaGraffe D. The youth bulge in Egypt: An intersection of demographics, security, and the Arab Spring// Journal of Strategic Security, Vol. 5, No. 2 (Summer 2012), Pp. 65-80. P. 68.

Шунингдек, Брунгарт (Braungart) 1971 й. Шри Ланкадаги сиёсий зўравонликни тадқиқ қилиш жараёнида шундай хулосаларга келганки, давлатдаги бекарорлик бир вақтнинг ўзида ёшлар сонининг ортиб бориши, айниқса юқори ишсизлик кўрсаткичларига қарамасдан аксарият ёшларнинг муайян таълим даражасига эга бўлган шароитда юз берган¹⁴. Шу ўринда, Хоффман ва Джамал (Hoffman, Jamal) таъкидлаганидек, амалдаги тузумга нисбатан ёшлар орасидаги норозиликнинг сабаби уларнинг ишсизлиги ҳисобланади¹⁵.

Барқарорликка таъсири қилувчи юқорида келтирилганлардан ташқари яна бир вазиятни кескинлаштирувчи триггер – урбанизация омили мавжуд. Урбанизация ўз навбатида барқарорликка таъсири этишда “ёшлар уюми” билан биргалиқда фаолият кўрсатади. Аникроғи, шаҳар ва ҳудуд марказларига чет жойлар (кишлок, овул ва бошқ.)дан асосан ёшлар кўчиб ўтади ва ушбу шароитда икки омилнинг биргалиқдаги таъсири сезиларли даражада барқарорликни таъминлашда муаммоларни келтириб чиқаради.

Айниқса, радикал фикрдаги ёшлар сони шаҳар аҳолиси орасида айниқса тез ўсиб бориши кузатилиб, бундай ёшлар энг йирик шаҳарларда/сиёсий марказларда тўпланади, бу тенденция эса ўз навбатида бекарорликка олиб келиши мумкин¹⁶.

Яна бир жихат, турли фанлар доирасида ўрганилиб, тадқиқ этиладиган “авлодлар ўртасидаги фарқ/тушунмовчилик” ҳам ёшларни (салбий, радикал) ҳатти-харакати ортидан турли инқирозли вазиятларнинг вужудга келиш мотивларига ойдинлик киритади¹⁷.

Шундан кўриниб турибдики, барқарорликка таъсири қилувчи омиллар нафақат ёшлар улушининг ортиши билан, балки етарлича моддий таъминотга эга бўлмаслик – камбағаллик¹⁸; янги ғоялар ва ноанъанавий диний қарашларга очиқлик; эскича қараш ва бошқарув шаклларига нисбатан қаршилик; ижтимоий таранглик жараёнлари ва сиёсий конфликтларга осон жалб қилиш имконини оширувчи ёшларда “ижтимоий масъулиятсизлик” (оила ва ишга нисбатан)¹⁹;

¹⁴ Braungart R. G. Historical generations and youth movements: A theoretical perspective//Research in Social Movements, Conflict and Change// JAI Press, Greenwich, CT//Vol. 6.1984. P.14.

¹⁵ Hoffman M., Jamal A. The Youth and the Arab Spring: Cohort Differences and Similarities// Brill. 2011.
URL: <http://booksandjournals.brillonline.com/content/journals/10.1163/187633712x632399>

¹⁶ Коротаев А. В., Божевольнов Ю. В., Гринин Л. Е., Зинькина Ю. В., Малков С. Ю. Ловушка на выходе из ловушки. Логические и математические модели// 2011. С. 138–164. Стр. 154.

¹⁷ Mead M. Culture and Commitment. A Study of Generation Gap. London: The Boudly Head, 1970. P.120.Pp.75.

¹⁸ Fearon J. D., Laitin D. D. Ethnicity, insurgency, and civil war. American political science review // Т. 97.№. 1. 2003. Pp. 75-90.

¹⁹ Goldstone J. Population and Security: How Demographic Change Can Lead to Violent Conflict//Journal of International Affairs 56(1). 2002. Pp.10-11

кутилган эҳтиёжларининг қондирилмаслиги натижасида ёшларда террористик ва экстремистик фаолиятга хайриҳоҳлик кабилардан иборатдир²⁰.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этиб ўтилган элементларнинг жамият аъзолари орасида мавжудлиги, айниқса буларнинг ёшларда қўп кузатилиши улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириши, яъни ўхшаш позиция ва қарашларга эга эканлигини англаётганларнинг муайян бир гуруҳларга уюшишига олиб келиши эҳтимолини кучайтиради. Айнан шунинг натижасида кутилган умидлари амалга ошмаган ёки ўзини оқламаган ваъдалар фуқароларнинг ижтимоий ҳаракатларга бирлашишига сабаб бўлади²¹ ва ушбу тузилмалар ўз навбатида эса ижтимоий тармоқларга асосланади²².

2011 йилда араб дунёсидаги (хусусан, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари (Тунис, Миср, Ливия, Сурия ва бошқалар)) норозиликларни ўрганган кўплаб тадқиқотчилар ёшларнинг инқилобий ҳаракатларига сабаб сифатида фуқароларнинг ушалмаган умидлари, коррупция ва авторитар ҳукуматнинг зўравонликка таянган мавжуд ҳокимият тизимидан норозилик бўлган деб ҳисоблашади. Зўравонлик ва сиёсий ҳокимият вакиллари фаолиятининг назоратсизлиги ва коррупция фуқароларнинг золим тузумга қарши бирлашишига олиб келди²³.

Бошқа томондан, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳукуматлар ёшлар ўртасида сиёсий демографик таҳдидлар ҳақида огоҳлантирилади ва “ёшлар уюми” хавфидан хабардор бўлади.

Шу муносабат билан давлат барқарорликни сақлаш учун репрессив бошқарув механизмларидан фойдаланиб, буни 1976-2000 йиллардаги ёшларнинг деструктив хатти-ҳаракатлари ва давлат репрессиялари ўртасидаги муносабатларнинг статистик таҳлилини тасдиқлайди²⁴.

Аниқроғи, давлат ўз барқарорлигини таъминлаш ва яшаб қолиш учун ёшларни муайян ҳолатда ушлаб туриш механизмларини амалиётда қўллаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

²⁰Urdal H. A clash of generations? Youth bulges and political violence //International studies quarterly. №. 3. 2006. Pp.607-629. P.609.

²¹Gurr T.R. Why Men Rebel. Princeton University Press, 1970. Pp.20.

²²Diani, M., McAdam D. Social Movements and Networks: Relational Approaches to Collective Action. Oxford and New York: Oxford University. 2003.Pp.14.

Diani, M., “Cities in the World: Local Civil Society and Global Issues in Britain.” Chap. 3 in Transnational Protest and Global Activism, edited by D. della Porta and S. Tarrow. Lanham, MD: Rowman and Littlefield.2004. Pp.12.

²³Wedgeen, L. Ambiguities of domination: Politics, rhetoric and symbols in contemporary Syria.

Chicago: University of Chicago Press. 2015. p.7-8. in Bratton M. Political Attitudes and Behavior Under Autocracy. Oxford Research Encyclopedia of Politics. USA: Oxford University Press. 2016.

²⁴Nordas R., Davenport Chr. Youth Bulges and State Repression//American Journal of Political Science, Vol. 57, No. 4 (October 2013), Pp. 926-940.

REND корпорацияси томонидан кубалик ёшларнинг ижтимоий-сиёсий кайфиятини ўрганиш натижаларига асосан давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар ёмонлашгани аниқланган (1989) ва бунга асосий сабаб ёшларда қучайган аскетизмга дуч келиш бошланганлиги, ижтимоий фаоллик имкониятларининг чекланиши ва шахсий моддий, маънавий ва маданий интилишлар амалга ошмаганлиги билан боғлиқ. Айнан ушбу ҳолатга қаршилик сифатида ёш фуқаролар орасида мавжуд тузум ва ундаги ўрнатилган тартиб-коидаларга қарши фаолиятларни вужудга келишига сабаб бўлган²⁵.

Юқорида қайд этилган фикрлар ва юз берган тарихий воқеликларнинг фактологик асослари ҳамда бугунги ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, муайян бир давлатдаги сиёсий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар нафақат ахоли орасида ёшлар улушининг жадал равишда ортиб бориши, балки қуйидаги триггерларнинг таъсири билан ҳам боғлиқ:

- “Ёшлар уюми” (умумий ахоли сонига нисбатан);
- ишсизликнинг юқори кўрсаткичлари сақланиб турган бир шароитда таълим сифатининг юқори даражаси;
- ёшларнинг умумий сонига нисбатан ишсизликнинг юқори даражаси ва ресурслар миқдорининг чекланганлиги;
- давлат бошқаруви органлари ва бошқа сиёсий институтларга нисбатан ишончнинг пастлиги;
- коррупцион жараёнларнинг жамиятда кенг тарқалганлиги;
- ижтимоий фаоллик даражасининг юқорилиги;
- урбанизация (чекка худудларда яшовчи ёшларнинг шаҳар марказларига миграцияси);
- ижтимоий ҳолати (ижтимоий кайфияти ва мотивациясининг пастилиги) ва бошқалар.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги глобаллашув жараёни ва тезкор маълумотлар алмашинуви шароитида жамият аъзолари манфаатлари, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш, айниқса ёшлар улуси юқори бўлган давлатларда барқарорликни таъминлаш учун амалдаги сиёсий элита ва ҳукумат ёшлар қатламининг муаммоларини инобатга оловчи, уларга ечимларни инобатга олган чора-тадбирлардан иборат – конструктив ёшлар сиёсатини олиб бориши зарурдир.

²⁵ Gonzalez E., McCarthy K.F. Cuba After Castro/Cuba's Disaffected Youth//RAND Corporation, 2004, // <https://www.jstor.org/stable/10.7249/mg111rc.10>. Pp.34.

Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод жорий ҳокимиятнинг асоси ва жамиятнинг келажагидир.

Ёшлар сиёсати – бу давлат томонидан тизимли равишда амалга ошириладиган ва ёшлар учун муҳим бўлган масалалар, жумладан ижтимоий мослашуви, сиёсий фаоллиги, иқтисодик-хуқуқий манфаатларининг қондирилиши юзасидан қабул қилинадиган стратегик қарорлар ва ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар мажмуудир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Jong-A-Pin R. Essays on political instability: Measurement, causes and consequence// Enscheda: Print Partners Ipskamp B.V., Enschede, The Netherlands.2008. P.150.
2. Goldstone J. A., Bates R.H., Epstein D. L., Gurr T. R., Lustick M. B., Marshal M. G., Ulfelder J., Woodward M. A global model for forecasting political instability// American Journal of Political Science. 2010. Vol.54, No.1. Pp.190–208.
3. Aurore G. Political instability and the interventions of IMF and the World Bank in non-democratic regimes// Centre d'Economie de la Sorbonne, University Paris 1 Pantheon Sorbonne. Paris, France 2012. Pp.-28.
4. Olson M. Rapid Growth as a Destabilizing Force// The Journal of Economic History. 2963. Vol. 23, No. 4. Pp. 529-552. Huntington S. Political order in changing societies// New Haven, CT: Yale University. 1968. P. 264.
5. Boronov, S. (2022). Internal and external factors of taliban origin. Journal of Social Research in Uzbekistan, 2(02), 15-23.
6. Ravshanov, F. R., & Azimov, H. Y. (2021). Danger and Security: History and Present. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(4), 280-285.
7. Buronov, S. (2023). WATER GEOPOLITICS IN CENTRAL ASIA: THREAT ANALYSIS. Oriental Journal of History, Politics and Law, 3(03), 27-34.
8. Buranov, S. (2023, May). GLOBAL SECURITY CHALLENGES: INFORMATION SECURITY AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 155-159).
9. Mead M. Culture and Commitment. A Study of Generation Gap. London: The Boudly Head, 1970. P.120.Pp.75.
10. Azimov, H. Y. (2022). Main Directions of Modern International Security Approaches. International Journal of Social Science Research and Review, 5(2), 151-157.
11. Fearon J. D., Laitin D. D. Ethnicity, insurgency, and civil war. American political science review // Т. 97.№. 1. 2003. Pp. 75-90.

12. Goldstone J. Population and Security: How Demographic Change Can Lead to Violent Conflict//Journal of International Affairs 56(1). 2002. Pp.10-11
13. Urdal H. A clash of generations? Youth bulges and political violence //International studies quarterly. №. 3. 2006. Pp.607-629. P.609.
14. Gurr T.R. Why Men Rebel. Princeton University Press, 1970. Pp.20.
15. Yakubovich, A. H. (2019). The emergence of the Syrian crisis and the impact of the external forces on it. Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research, (4 (6)), 92-97.
16. GOZIEV, R. The Rise of State Authority in the Post-Pandemic World. *THE WORLD AFTER THE*, 37.
17. GOZIEV, R., & ÖZCAN, M. S. Ö. (2020). AŞIRI SAĞIN YÜKSELİŞİ VE ALMANYA İÇİN ALTERNATİF PARTİSİ (AFD). Akademi Sosyal Bilimler Dergisi, 7(21), 76-89.
18. Diani, M., McAdam D. Social Movements and Networks: Relational Approaches to Collective Action. Oxford and New York: Oxford University. 2003.Pp.14.
19. S.Bo'ronov, H.Azimov. (2023). Sharq mamlakatlarida xavfsizlik muammolari va mojarolari.
20. Diani, M., "Cities in the World: Local Civil Society and Global Issues in Britain." Chap. 3 in Transnational Protest and Global Activism, edited by D. della Porta and S. Tarrow. Lanham, MD: Rowman and Littlefield.2004. Pp.12.